

Юксак эътироф ва мукофот муборак бўлсин!

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги [Фармони](#) эълон қилинди. Давлатимиз раҳбари фармонига мувофиқ бир гуруҳ соҳа ходимлари юксак эътирофлар билан мукофотланди.

Қувонарлиси, ана шундай эътирофга сазовор бўлганлар орасида тумандошимиз, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани фавқулодда вазиятлар бўлими ёнғин-қутқарув қисми смена бошлиғи **Саидов Ёрқинжон Хасанович** ҳам бор бўлиб, шарафли ва айни пайтда ғоят машаққатли касб эгаси **“Шухрат” медали** билан тақдирланди.



Ўзбекистон тумани ҳокимлиги фидойий ёнғин қутқарувчиси Ёрқинжон Саидовни юксак эътироф ва мукофот билан самимий муборакбод этиб, келгусидаги фаолиятида улкан зафарлар тилайди.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати